

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ШУХРАТ МАХСАДОВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАҲАЛЛИЙ КАЛИЙ  
ЎҒИТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

УЎТ:633.51:631.51:631.83:(Р 584.2)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Жумаев Шухрат Махсадович**

Самарқанд вилояти шароитида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва  
ҳосилдорлигига маҳаллий калий ўғитининг самарадорлигини ўрганиш.....3

**Жумаев Шухрат Махсадович**

Изучение эффективности местного калийного удобрения на рост, развитие и  
урожайность хлопчатника в условиях Самаркандской области.....21

**Jumaev Shuxrat Maxsadovich**

Study of the effectiveness of local potash fertilizer on the growth, development and  
yield of cotton in the conditions of the Samarkand region.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ШУХРАТ МАХСАДОВИЧ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАҲАЛЛИЙ КАЛИЙ  
ЎҒИТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

**06.01.08-Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.PhD/Qx8 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида (СамВМИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cottonagro.uz](http://www.cottonagro.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Орипов Раззоқ**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Назаров Ренат Саидович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Тиллабеков Ботир Хасанович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашининг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. E-mail: [piim@agro.uz](mailto:piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Нурматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Х.Аҳмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича экинлар учун минерал ўғитлар, жумладан, калийли ўғитлар етарлича таъминланган бўлиб, юқори ҳосил олиш имконини беради. Ўртача 8 йиллик маълумотлар бўйича, қўлланиладиган минерал ўғитлардаги озик моддалар нисбати (NPK) АҚШ учун ушбу нисбат 1,00:0,34:0,37, Канада учун 1,00:0,42:0,16, Франция учун 1,00:0,27:0,34, Германия учун 1,00:0,16:0,25 ни ташкил қилади. Натижада, Канададан ташқари, учта ривожланган мамлакатларда минерал ўғитлардаги калий, азот миқдорининг 25-37 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>.

Дунё миқёсида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда калийли ўғитларни қўллаш меъёрининг ўсимликнинг ўсиши, ривожланишига таъсири, ҳамда ҳосилдорликни ошириш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари жадал давом этмоқда. Шунинг билан бирга мамлакатимиз шароитида ҳам пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг тупроқлари ўсимликка лаёқатли калий билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш, ушбу шароитда қўлланилган калийли ўғитларнинг ҳар хил меъёр ва нисбатларини ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш, пахтачиликда қўлланиладиган калийли ўғитлар самарадорлигини ўрганиш ва шу асосда деҳқончилик маданиятини ошириши йўллари такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда ғўза етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ерларининг 70 фоизи алмашинувчан калий билан жуда кам ва кам таъминланган тупроқлар ҳиссасига тўғри келади. Пахтачиликда маҳаллий калий ўғитини мақбул меъёрлари ва нисбатларини тўғри белгилаш, ғўза навлари фенотиплари жадаллигига таъсирини аниқлаш, ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>2</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунга кўра, пахтачиликда қўлланиладиган калийли ўғитлар меъёрларини, уларни NP билан тўғри нисбатларини аниқлаш ҳамда калийли ўғитлар самарадорлигини ошириш масаласини ўрганиш, ҳозирги даврнинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

<sup>1</sup> <http://docplayer.ru/39152883-Primenenie-kaliynyh-udobreniy-v-razvityh-stranah-evropy-i-ameriki.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармон

тўғрисида»ги ПҚ-2640-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сон «2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқотлар республика фан ва технологиялар тараққиётининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада пахтачиликни ривожлантириш, турли тупроқ иқлим шароитида калийли ўғитларни пахта етиштиришдаги самарадорлигини ошириш борасидаги кенг кўламли тадқиқотлар И.И.Синягин, П.В.Протасов, Н.П.Малинкин, М.А.Белоусов, Х.С.Саттаров, И.И.Мадраимов, Р.С.Назаров, Б.Х.Тиллабеков, Т.П.Вайс, Ж.И.Исмайлов, хорижлик олимлардан В.В.Носов, В.Н.Якименко, J.L.Jifon, P.E.Fixen ва бошқалар томонидан олиб борилиб калийли ўғитларни қишлоқ хўжалик экинларига таъсири ижобий эканлиги қайд этилган.

Ўза ҳосилдорлигини оширишда ва тола сифатини яхшилашда азотли, фосфорли ўғитлар билан бир қаторда калийли ўғитлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, республикада хусусан, Самарқанд вилоятининг типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ушбу масалалар ечимига қаратилган изланишлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий тадқиқот ишларининг 01980004512-рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги агротехнологияларни ишлаб чиқиш» (1999-2004 йй.); 01060006349-рақамли «Замонавий деҳқончилик тизимида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ресурстежамкор агротехнологияларни қўллашнинг амалий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2012-2017 йй.) бир бўлими асосида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқанд вилоятининг алмашинувчан калий билан ўртача ва кам даражада таъминланган типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида маҳаллий калийли ўғитнинг мақбул меъёрларини аниқлаш асосида ўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

типик ва ўтлоқи-бўз тупроқларда қўлланилган калийли ўғитни ўза навлари фенофазаларининг жадаллигига таъсири аниқлаш;

ғўза навларининг ўсиши, ривожланиш даврларининг ўтиши, ҳосил элементларини шаклланишига қўлланилган калийли ўғит меъёрларининг таъсирини тадқиқ қилиш;

ўсимликда барг сони, уларнинг сатҳи, экинларнинг фотосинтетик потенциали (ЭФП), фотосинтетик соф маҳсулдорлиги (ФСМ) ва фотосинтетик актив радиация коэффициенти (Кфар) га маҳаллий калийли ўғит меъёрларининг таъсирини ўрганиш;

типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида калийли ўғитнинг ҳар хил меъёр ва нисбатларини пахта ҳосили ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

олиб борилган тадқиқотнинг натижалари бўйича қўлланилган маҳаллий калийли ўғитнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ғўзанинг «Омад», «Бухоро-102» навлари, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий калийли ўғит ҳамда типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлар олинган.

**Тадқиқот предмети** алмашинувчан  $K_2O$  билан турли даражада таъминланган типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлар, уларнинг ҳар хил меъёр ва нисбатлари маҳаллий калийли ўғитнинг ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигига толанинг технологик сифат кўрсаткичларига ижобий таъсирини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқот ишларида тажрибаларни қўйиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар, ҳисоб-китоблар, ўсимлик ва тупроқ намуналари олиш, уларнинг таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методика полевых опытов с хлопчатником», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы определения свойств хлопка-волокна» ҳамда «Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских предложений» қўлланмалари асосида олиб борилди. Маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилояти шароитида алмашинувчан калий билан турлича таъминланган типик ва ўтлоқи-бўз тупроқларида маҳаллий калийли ўғит меъёрлари ишлаб чиқилган;

алмашинувчан калий билан кам таъминланган типик бўз тупроқларда  $N_{250}P_{175}$  фонида самарали таъсир этувчи калийли ўғитни 120-150 кг/га меъёрининг ижобий таъсири аниқланган;

алмашинувчан калий билан ўртача таъминланган ўтлоқи-бўз тупроқларда  $N_{250}P_{175}$  фонида маҳаллий калийли ўғитни 90-120 кг/га меъёрда қўллашнинг самарадорлиги ҳам исботланган;

«Омад» ва «Бухоро-102» навлари бўйича ғўзанинг барг сони, уларнинг ассимиляция юзаси, ЭФП, ФСМ, Кфар га калий ўғитининг таъсири

аниқланган;

ғўзанинг «Омад» ва «Бухоро-102» навларида ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига маҳаллий калийли ўғит меъёрларининг таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

типик ва ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида калийли ўғитни ғўзанинг «Омад» ва «Бухоро-102» навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этиш самарадорлиги, уларни қўллаш меъёри, нисбати ва тупроқларнинг алмашинувчан  $K_2O$  билан таъминланганлик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда қўлланилиши аниқланган;

типик бўз тупроқлар шароитида  $N_{250}P_{175}$  кг/га фонида гектарига 120-150 кг/га  $K_2O$ , ўтлоқи-бўз тупроқларда кўрсатилган  $NP$  фонида 90-120 кг/га  $K_2O$  қўлланилган майдонларда ғўза ҳосилдорлиги фон вариантга нисбатан мутаносиб равишда 7,1-9,2 ва 5,4-7,1 ц/га юқори бўлганлиги ва рентабеллик даражаси тегишли равишда 34,3-35,4 ва 29,7-32,8 фоизни ташкил этди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кўп йиллик тажрибалар жараёнида агротехнологик, агрохимёвий ва лаборатория услубларидан фойдаланган ҳолда дисперсион-статистик услублар билан таҳлил қилинган ва ишончлилиги тасдиқланган, тажрибалар ҳар йили эксперт комиссиялари ва мутахассислар томонидан баҳоланиб тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этишга тавсия этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда маъруза қилиниб муҳокама этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Самарқанд вилояти калий билан турлича таъминланган ўтлоқи-бўз ва типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг «Омад» ва «Бухоро-102» навларида маҳаллий калийли ўғитни мақбул қўллаш меъёрлари, нисбатлари ишлаб чиқилганлиги ва унинг самарадорлигини илмий асосланганлиги, ҳамда ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини ижобий томонга ўзгариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки ўтлоқи-бўз ва типик бўз тупроқлар шароитида қўлланилган маҳаллий калийли ўғитнинг самарадорлигини ошириш агротехнологик тадбири асосланган ва шунинг асосида ишлаб чиқаришга тавсиялар берилган. Пировардида ушбу тавсияномалар асосида маҳаллий калий ўғитини мақбул меъёр ва нисбатларида ишлаб чиқариш шароитида қўлланилиши эвазига фермер хўжаликларида пахта ҳосили ошиб, рентабеллик даражаси ҳам ортган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига маҳаллий калийли ўғитнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:



пахтачилик фермер хўжаликлари учун «Пахтачиликда маҳаллий хомашё асосида олинган калийли ўғитни қўллаш бўйича тавсиянома» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 майдаги 02/020-136 сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

маҳаллий калийли ўғитни NP фонида гектарига 90-120 кг меъёрида қўллаш технологияси Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Иштихон туманларида жами 109 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 майдаги 02/020-136 сонли маълумотномаси). Натижада ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ғўза ҳосилдорлиги ўртача 33,7-35,4 ц/га ни ташкил этиб, 400968-454570 сўмгача соф фойда олишни таъминланган, рентабеллик даражаси 19,7-22,8 % ни ташкил этган;

NP фонида калийли ўғитни гектарига 120-150 кг меъёрида қўллаш технологияси Пастдарғом туманида жами 59,5 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 майдаги 02/020-136 сонли маълумотномаси). Натижада типик бўз тупроқлар шароитида ҳосилдорлик ўртача 32,7-34,8 ц/га ни ташкил этиб, 933303-1018979 сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси эса 19,3-22,2 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили СамВМИда (собиқ СамҚХИ) тузилган комиссия томонидан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг Илмий ва Услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва халқаро анжуманларда 10 марта маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар нашр этилган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тасаруфидаги журналларда 9 та мақола, шундан 1 та хорижий ва 8 республика журналларида, 1 тавсиянома ҳамда халқаро ва республика конференцияларида 18 та мақола ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати баён қилинган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича

маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига калийли ўғитларнинг таъсири ҳамда тупроқлар таркибидаги калий миқдори, унинг шакллари» деб номланган биринчи бобида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига калийли ўғитларнинг таъсири, ғўза ҳосилдорлиги ва тола сифатининг калийли ўғитлар меъёри, нисбати ва қўллаш муддатларига боғлиқлиги, ғўза экиладиган майдон тупроқлар таркибидаги калий миқдори, унинг шакллари ва ғўза томонидан ўзлаштирилишига оид маълумотлар, республикамиз ва хориж олимлари илмий изланишлари натижалари, хулосалари батафсил баён этилган. Шунингдек, мазкур йўналишларда тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги туфайли, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги бўйича баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари, услублари ва ғўза етиштириш агротехнологияси» деб номланган иккинчи бобида, тажриба ўтказилган иқлим ва тупроқ шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, ғўза етиштиришда қўлланилган агротехнологик тадбирлар батафсил келтирилган.

Тажриба ўтказилган йилларда энг совуқ кунлар январь-февраль ойларида кузатилиб, ўртача ҳаво ҳарорати  $-0,3 -2,5^{\circ}\text{C}$  ни, энг юқори кўрсаткич июнь-июль ойларида тегишлича  $23,8-26,9$  ва  $25,4-27,7^{\circ}\text{C}$  кузатилди. Ёғингарчиликлар миқдори ўртача  $276,0-384,0$  мм ни ташкил этиб, унинг асосий қисми февраль, мартда, апрель ойларида тушади ва ҳавонинг нисбий намлиги ўртача  $53,7-65,2\%$  ни ташкил этиши аниқланган.

Дала тажрибалари 2009-2011 йилларда Пайариқ тумани ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида, 2013-2015 йилларда Пастдарғом тумани типик бўз тупроқлари шароитида ўтказилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажриба ўтказилган ўтлоқи-бўз ва типик тупроқларнинг агрофизикавий ва агрохимёвий таҳлиллар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Тадқиқотлар ўтказилган ўтлоқи-бўз ва типик бўз тупроқларнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссалари (2009-2011 ва 2013-2015 йй.)

Тупроқ қатлами, см	Гумус, %	Ялли, %			Тупроқ агрегатлари, %		d, г/см <sup>3</sup>	d <sub>1</sub> , г/см <sup>3</sup>	F, %
		N	P	K	< 0,01	< 0,001			
Ўтлоқи-бўз тупроқ									
0-25	1,12±0,3	0,13±0,04	0,21±0,03	2,3±0,2	53,48	22,76	1,33±	2,71±	50,9
25-50	1,05±0,2	0,11±0,03	0,19±0,03	2,4±0,3	49,70	18,55	1,38±	2,62±	47,3
Типик бўз тупроқ									
0-25	0,94±0,3	0,11±0,03	0,19±0,03	2,2±0,3	51,36	20,44	1,32±	2,74±	51,8
25-50	0,82±0,3	0,09±0,02	0,17±0,03	2,1±0,3	47,14	16,62	1,36±	2,72±	49,2

Ҳар иккала тупроқ шароитида ўтказилган тажрибаларда ҳар бир вариант майдони  $480 \text{ м}^2$  (эгат узунлиги 100 м, эни 4,8 м) шундан ҳисобга олинган майдон  $240 \text{ м}^2$ . Ҳар иккала тажрибада ҳам вариантлар сони 8 та, 4 қайтариқда бўлиб, вариантлар системали равишда бир ярусда жойлаштирилган ва

илмий-тадқиқот ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаси бўйича ўтказилган.

Тажриба даласида фосфорли ўғитлар йиллик меъерининг 100 кг/га миқдорда шудгор остига, иккинчи озиклантиришда (30 кг/га) ва учинчи озиклантиришда (45 кг/га); калийли ўғитларнинг йиллик меъерини 50% (30-105 кг/га) шудгор остига, қолган 50% (30-105 кг/га) иккинчи озиклантиришда; азотли ўғитлар йиллик меъерининг 30 кг/га миқдори экиш билан бир вақтда, қолган меъёрлари ғўзани I-III озиклантиришда тегишлича 75, 75 ва 70 кг/га ҳисобида берилган.

Тажрибада азотли ўғит сифатида аммиакли селитра –  $\text{NH}_4\text{NO}_3$ , фосфорли ўғит сифатида аммофос –  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  ва калийли ўғит сифатида Дехқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқарилган хлорли калий –  $\text{KCl}$  қўлланилган. Тажриба тизими (2-жадвалда) қуйида кўрсатилган.

## 2-жадвал

### Тажриба тизими

Вариант рақами	NPK йиллик меъери, кг/га			NPK нинг қўллаш муддатлари бўйича тақсимланиши, кг/га								
				Шудгор остига	Экиш билан биргалликда	Озиклантириш						
						2-4 чинбарг даврида	шоналаш даврида		гуллаш даврида			
						I	II		III			
N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	N	N	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	
1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	250	175	-	100	-	30	30	75	75	-	70	45
3	250	175	60	100	30	30	30	75	75	30	70	45
4	250	175	90	100	45	30	30	75	75	45	70	45
5	250	175	120	100	60	30	30	75	75	60	70	45
6	250	175	150	100	75	30	30	75	75	75	70	45
7	250	175	180	100	90	30	30	75	75	90	70	45
8	250	175	210	100	105	30	30	75	75	105	70	45

Тажрибада ғўза навларининг ривожланиш фазалари, биометрик ўлчовлари, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони, фотосинтетик ўлчовлар ўтказилган. Ғўза ҳосилдорлиги ҳисобланиб ва толанинг барча технологик сифат кўрсаткичлари, шунингдек толанинг чиқими ҳам аниқланган. Толанинг технологик сифат кўрсаткичлари Самарқанд вилоятидаги ҳудудий «Сифат» лабораториясида таҳлил қилинган.

Тупроқларнинг агрохимёвий ва агрофизикавий таҳлилларида: гумус – И.В.Тюрин, ялпи NPK – И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, нитрат шаклидаги азот – Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор – Б.М.Мачигин, алмашинувчан калий – П.В.Протасов усулида, ҳажм массаси цилиндр усулида Качинский бўйича, солиштира масса пикнометр усулида; тупроқ ғоваклиги ҳисоблаш усулида аниқланганлиги қайд этилган.

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов (1985) услуги бўйича статистик қайта ишланиб, дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Ѓўзанинг «Омад» ва «Бухоро-102» навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига калийли ўғит меъёрларининг таъсири» деб номланган учинчи бобида ғўза навлари фенофазалари жадаллиги, ғўзанинг «Омад» ва «Бухоро-102» навлари поясининг баландлиги ва суткалик ўсиши, уларнинг фотосинтетик кўрсаткичлари, ғўза навларининг ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланиши, ҳосилдорлиги, толанинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирга оид маълумотлар батафсил баён қилинган.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани типик бўз тупроқларида олиб борилган тажрибаларда, ғўзанинг «Бухоро-102» ва ўтлоқи-бўз тупроқларда экилган «Омад» навлари чигитларининг унувчанлигидан бир мунча паст бўлганлиги, бироқ ҳар иккала тупроқ типларида ғўза навлари чигитларининг униб чиқиши динамикасига қўлланилган минерал ўғитларнинг таъсири сезиларли даражада бўлмаганлиги қайд этилди.

Тажрибада ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг «Омад» навининг ривожланиш даврларини (шоналаш, гуллаш ва кўсақларнинг очилиши) ўтиш учун энг қулай шароит N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонида калийли ўғитини 90-120 кг/га меъёрида, типик бўз тупроқ шароитида ғўзанинг «Бухоро-102» нави учун кўрсатилган N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонида калийли ўғитни 120-150 кг/га ҳисобида қўлланилганда қулай шароитлар яратилиши аниқланган.

Калийли ўғит N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонида қўлланилганда ғўзанинг бўйи (1.08) назорат-ўғитсиз вариантыдагига нисбатан 6,3 см баланд бўлган бўлса, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонида маҳаллий калий 60-90 кг/га қўлланилганда назорат вариантыдагига нисбатан 9,8-15,4 см юқори бўлишига олиб келган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ѓўзанинг «Омад» нави поясининг баландлиги ва суткалик ўсиши (ўртача 2009-2011 йй)

№	Тажриба вариантлари	Бош поянинг бўйи, см			Ўртача суткалик ўсиш, см	
		1.06	1.07	1.08	1.06-1.07	1.07-1.08
1	Назорат-ўғитсиз	15,4	32,6	70,3	0,57	1,22
2	N <sub>250</sub> P <sub>175</sub> - Фон	19,7	37,8	76,6	0,60	1,25
3	Фон+K60	22,1	40,8	80,1	0,62	1,27
4	Фон+K90	26,5	45,9	85,7	0,65	1,28
5	Фон+K120	30,4	49,2	89,1	0,63	1,29
6	Фон+K150	26,0	44,4	84,0	0,61	1,28
7	Фон+K180	24,2	41,8	81,4	0,59	1,28
8	Фон+K210	23,1	40,5	79,8	0,58	1,27

Тажрибаларда калий ўғити 120, 150, 180 ва 210 кг/га ҳисобида N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонида қўлланилганда ғўзанинг бўйи назорат вариантыга нисбатан калий

меъёрларига мувофиқ ҳолда 18,8; 13,7; 11,1 ва 9,5 см, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонга қараганда 12,5; 7,4; 4,8 ва 3,2 см баланд бўлганлиги кузатилган.

Ўтлоқи-бўз тупроқларда ўғит ишлатилмаган назорат вариантларда ғўзанинг «Омад» навида поянинг ўртача суткалик ўсиши назорат вариантыда 1.06 дан 1.07 гача 0,57 см ни ташкил қилган бўлса, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон вариантыда 0,60 см бўлиб, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди эса калийли ўғитни 60-90 кг/га меъёрида қўллаш поянинг ўртача суткалик ўсишига самарали таъсир кўрсатган ва бунда назорат вариантдагига қараганда 0,05-0,08 см га юқори бўлганлиги аниқланган.

Ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида калийли ўғитни 90-120 кг/га ҳисобида N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> кг/га фониди қўллаш ғўзанинг «Омад» навининг ўртача суткалик ўсишига яхши таъсир кўрсатганлиги учун ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга имконият яратилганлиги аниқланган.

«Бухоро-102» навида ўтказилган тажрибаларда назорат вариантыда ўсимликнинг бўйи (1.08) 65,5 см ни ташкил этиб, бу кўрсаткич N<sub>250</sub>P<sub>175</sub>-фон вариантыда 72,8 см, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди 60-90 кг/га қўлланилганда назорат вариантдагига қараганда 10,0-13,7 см, калийли ўғит 120-150 кг/га меъёрида қўлланилганда 19,9-21,2 см узун бўлиши, калийли ўғит меъёрини N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди 180-210 кг/га ҳисобида ошириб қўллаганда эса, бирмунча паст бўлганлиги кузатилган. Юқори меъёрларда қўлланилган калийли ўғит тупроқдаги алмашинувчан калий миқдорини ошириб, ўсимликнинг тупроқдаги азот ва фосфорнинг ўзлаштиришини камайтириши изоҳ сифатида қайд этилган.

Тажрибанинг назорат вариантыда ғўзанинг ўртача кунлик ўсиши (1.06-1.07) 0,57 см, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон вариантыда 0,60 см ни ташкил этган. N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди калийли ўғитини 60-90 кг/га меъёрлари қўлланилганда ўртача кунлик ўсиш N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон вариантыга нисбатан 0,01-0,07 см га кўп бўлишини таъминлаган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Ғўзанинг «Бухоро-102» навини поясининг баландлиги ва суткалик ўсиши (2013-2015 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Бош поянинг бўйи, см			Ўртача суткалик ўсиш	
		1.06	1.07	1.08	1.06-1.07	1.07-1.08
1	Назорат-ўғитсиз	12,1	29,3	65,5	0,57	1,17
2	N <sub>250</sub> P <sub>175</sub> - Фон	16,5	34,6	72,8	0,60	1,23
3	Фон+K60	18,4	36,8	75,5	0,61	1,25
4	Фон+K90	19,5	39,7	79,2	0,67	1,27
5	Фон+K120	23,7	44,6	85,4	0,70	1,32
6	Фон+K150	24,6	45,8	86,7	0,71	1,32
7	Фон+K180	24,2	43,6	84,3	0,65	1,31
8	Фон+K210	22,3	40,6	81,1	0,61	1,31

Шунингдек, калийли ўғит меъёрини ошириш билан поянинг ўртача суткалик ўсишининг ортиши, яъни калийли ўғити N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди 120-150

кг/га меъёрида қўлланилганда назорат вариантга нисбатан мутаносиб равишда 0,13-0,14 см кўп бўлиши кўрсатиб ўтилган. Калийли ўғит меъёрини янада ошириш (180-210 кг/га) эса, аксинча, пасайишига олиб келганлиги аниқланган.

Умуман олганда, ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида  $N_{250}P_{175}$  кг/га фониди калийли ўғитни 90-120 кг/га меъёрларида қўллаш, ғўзанинг «Омад» нави бош пояси баландлигини ва ўртача суткалик ўсиши энг юқори кўрсаткичларида 85,7-89,1 см; 0,65-0,63 см бўлишини таъминлаган бўлса, ушбу кўрсаткичлар типик бўз тупроқлар шароитида кўрсатилган  $NP$  фониди калийли ўғити 120-150 кг/га ҳисобида қўлланилганда ғўзанинг «Бухоро-102» навида (85,4-86,7 см; 0,70-0,71 см) бўлишини таъминланганлиги аниқланган.

Ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг «Омад» навида ўтказилган тажрибаларда, кўсақларнинг очилиш даврида бир туп ўсимликда ўртача уч йилда барг сони ўрганилган вариантлар бўйича 33,9-58,7 донани ва уларнинг ассимиляцион юзаси 2755,6-5779,4 см<sup>2</sup> ни ташкил этган.

$N_{250}P_{175}$  фониди калийли ўғит турли меъёрларда қўлланилган вариантларда барг сони назорат вариантыга нисбатан 11,7-24,8 донага, ассимиляцион юза эса 1140,9-3023,8 см<sup>2</sup> га ошганлиги аниқланган.  $N_{250}P_{175}$  фониди калийли ўғитлар қўлланилганда тупроқда қулай озикланиш режими яратилиб, ўсимликларда кўплаб барг ва ҳосил шохлари пайдо бўлиши, шунга мос равишда баргларнинг ассимиляцион юзаси кенгайиши таъминланган. «Бухоро-102» нави бўйича ҳам шунга ўхшаш аналогик натижалар олинганлиги қайд этилган.

Экинларнинг фотосинтетик потенциали (ЭФП) ҳам тажрибада ўрганилган вариантлар бўйича сезиларли ўзгарган. Назорат вариантда бу кўрсаткич 4322,1 минг м<sup>2</sup>/га х кун бўлиб, энг кам бўлган бўлса,  $N_{250}P_{175}$  фониди калийли ўғитлар қўлланилганда ортиб бориб, энг юқори кўрсаткич Фон +  $K_{210}$  кг/га вариантда (9062,1 минг м<sup>2</sup>/га х кун) кузатилиб, назорат вариантга нисбатан 109,7 фоизга ёки деярли 2 баробар ошганлиги ҳисобга олинган. Калийли ўғитлар энг кам меъёрда қўлланилганда, яъни Фон+ $K_{90}$  кг/га вариантда эса 41,4 фоизга юқорилиги аниқланган. Худди шундай натижалар «Бухоро-102» навида ҳам олинган. Бироқ, бунда навларнинг хусусияти жихатидан айтиш мумкинки, «Бухоро-102» навида барг сони «Омад» навига нисбатан вариантлар бўйича 6,3-2,3 донага кўп бўлсада, барг сатҳи ўртача бир дона барг ҳисобига «Омад» навида 81,3-98,4 см<sup>2</sup> ни, «Бухоро-102» навида эса 80,6-92,4 см<sup>2</sup> ни ташкил этганлиги аниқланган, яъни «Бухоро-102» навида барг сони кўп бўлиши қарамай уларнинг ассимиляцион юзаси кичиклиги қайд этилган.

«Бухоро-102» нави бўйича ЭФП кўрсаткичи ўрганилган вариантларда 5134,8-9407,9 минг м<sup>2</sup>/га х кунни ташкил этиб, назорат вариантга қараганда  $N_{250}P_{175}$  фониди калийли ўғити қўлланилган вариантларда кўрсаткич 29,8-83,2 фоизга юқорилиги аниқланган.

Ўтлоқи-бўз тупроқларида ғўзанинг «Омад» нави бўйича ўтказилган тадқиқотларда фотосинтез соф маҳсулдорлик (ФСМ) вариантлар бўйича

ўртача уч йилда 12,3-14,8 г/м<sup>2</sup> х кунни ташкил этди. N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди калийли ўғит меъёрларини 60 кг/га дан 120 кг/га ошириб қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 1,5-2,5 г/м<sup>2</sup> х кунга кўп бўлганлиги аниқланган. Калий меъёри 120 кг/га дан кўпроқ солинганда эса ФСМ яна камайиб борган.

Таъкидлаш лозимки «Бухоро-102» навида барг сони ва уларнинг ассимиляцияцион юзаси «Омад» навиникидан юқорилиги боис мазкур тажрибада ФСМ янада кам бўлган. Фотосинтетик соф маҳсулдорлик тажриба вариантлари бўйича 9,4 г/м<sup>2</sup> х кундан 13,3 г/м<sup>2</sup> х кунгача ташкил этган. Типик бўз тупроқларда ўтказилган тажрибаларда калийли ўғити 60 кг/га дан 150 кг/га гача ошириб қўлланилганда ФСМ нинг назорат вариантга нисбатан 2,2-3,9 г/м<sup>2</sup> х кунга ортиб бориши, калий меъёрининг кейинги ортишида эса ФСМ нинг камайиши аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўтказилган тадқиқотларда фотосинтетик актив радиациядан фойдаланиш коэффициенти (Кфар) «Омад» навида вариантлар бўйича 0,63-1,38 фоизни, «Бухоро-102» навида эса 0,58-1,32 фоизни ташкил этган. Ўтлоқи-бўз тупроқларда калийли ўғитини 120 кг/га, типик бўз тупроқларда эса 150 кг/га меъёрда қўллаш орқали қулай имкониятлар яратилганлиги баён қилинган.

Ўтлоқи-бўз тупроқларда назорат вариантда ғўзанинг «Омад» навида (1.09) ҳар бир туп ғўзада ўртача 8,5 та ҳосил шохи, 7,8 дона кўсак, шундан 2,4 донаси очилганлиги аниқланган бўлса, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон варианты кўрсаткичлар тегишлича 3,2 ва 2,5 донага ҳамда ва очилган кўсақлар сони 0,8 донага кам бўлганлиги ҳисобга олинган.

Тажриба N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фониди маҳаллий калийли ўғитни 60-90 кг/га меъёрида қўллаш ҳосил шохлари ва кўсақлар сонига самарали таъсир кўрсатди, назорат вариантдагига қараганда мос равишда 3,8-7,3 ва 3,8-6,5 донага кўп, очилган кўсақлар сони тегишлича 0,6-0,3 донага кам бўлган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Ғўзанинг «Омад» нави ҳосил элементларини шаклланиши (2009-2011 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Ҳосил шохлар сони, дона			Кўсақлар сони, дона		
		1.07	1.08	1.09	1.08	1.09	Шундан очилганлар
1	Назорат-ўғитсиз	3,4	7,3	8,5	3,6	7,8	2,4
2	N250P175 – Фон	5,2	9,8	11,7	5,2	10,3	1,5
3	Фон+К60	6,5	10,7	12,3	5,7	11,6	1,7
4	Фон+К90	7,3	12,3	15,8	7,5	14,3	2,2
5	Фон+К120	8,4	13,6	15,4	8,6	15,8	2,4
6	Фон+К150	7,6	12,9	14,6	8,0	15,3	2,2
7	Фон+К180	7,2	11,4	13,9	7,7	14,1	2,0
8	Фон+К210	6,5	11,0	13,3	7,3	13,9	2,0

Калийли ўғит N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон варианты 120-210 кг/га меъёрларда қўлланилганда ҳосил шохлари ва кўсақлар сони назорат вариантдагига

нисбатан мос равишда 6,9-4,8 дона ва 8,0-6,1 донага кўп бўлишини таъминлаган бўлса, очилган кўсаклар сони эса, аксинча 0,2-0,3 донага камайганлиги қайд этилган.

Тажрибанинг назорат вариантыда 1 сентябрда ўсимликда 7,8 дона ҳосил шохи ва 6,5 дона кўсак ҳисобга олингани, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон вариантыда мос равишда 9,3 ва 7,8 донани ташкил этган. N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон варианты калийли ўғитни 60-90 кг/га меъёрлари қўлланилганда ҳосил шохлари ва кўсаклар сони N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> - фонга нисбатан 0,9-3,1 ва 0,8-2,6 донага кўп бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Қўлланилган калийли ўғит меъёрини 120-150 кг/га ошириш билан ғўзада ҳосил шохлари ва кўсаклар сони ҳам кўпайиши кузатилган ва назорат-ўғитсиз вариантга тегишлича 5,3-6,0 ва 4,9-7,3 донага кўп бўлишини таъминлаиб, калий ўғит меъёрини янада оширилганда (180-210 кг/га) эса, аксинча, ушбу кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келганлиги аниқланган (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Ғўзанинг «Бухоро-102» нави ҳосил элементларини шаклланиши  
(2013-2015 йй.)**

№	Тажриба вариантлари	Ҳосил шохлари сони, дона			Кўсаклар сони, дона		
		1.07	1.08	1.09	1.08	1.09	Шундан очилганлари
1	Назорат-ўғитсиз	2,8	6,4	7,8	3,1	6,5	2,1
2	N <sub>250</sub> P <sub>175</sub> – Фон	3,3	7,2	9,3	4,6	7,8	1,4
3	Фон+K60	3,6	8,5	10,2	5,2	8,6	1,7
4	Фон+K90	4,4	10,3	12,4	6,1	10,4	2,2
5	Фон+K120	5,9	12,8	14,6	9,5	14,7	3,2
6	Фон+K150	6,6	13,6	15,3	10,3	15,6	3,4
7	Фон+K180	6,2	12,5	14,4	9,7	14,2	2,4
8	Фон+K210	5,8	11,7	13,9	9,1	13,5	2,2

Тажрибада қўлланилган минерал ўғитларнинг таъсирида ўрганилган ғўза навларининг ҳосилдорлиги йиллар бўйича ўзгариб туриши аниқланган. Назорат вариантыда етиштирилган пахта ҳосили тадқиқот ўтказилган йилларга (2009, 2010, 2011 йй.) мос равишда 19,7; 20,5 ва 21,3 ц/га ни ташкил этганлиги, N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фон вариантыда етиштирилганда ўртача 27,4; 29,3; 28,2 ц/га ни ташкил этган. N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонда калийли ўғитни 60 дан 210 кг/га меъёрларида қўллаш 2009 йилда 28,6 дан 32,8 ц/га гача, 2010 йилда 29,2 дан 33,8 ва 2011 йилда эса 31,2 дан 33,5 ц/га гача ҳосил етиштиришни таъминлаганлиги аниқланган. Тажриба даласида энг юқори ҳосилдорлик тадқиқот ўтказилган йилларга мос равишда 34,5; 35,3 ва 36,4 ц/га N<sub>250</sub>P<sub>175</sub> фонда калий ўғити 120 кг/га меъёрда қўлланилганда олинган.



